

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

29 декабрь 2018 й.г.

№ 1060

Toshkent sh.

**Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан
ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон қарорининг ижроси юзасидан, шунингдек, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, Низомда қуйидагилар назарда тутилган:

биринчи – кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ягона қоидаларини белгилаш;

иккинчи – юридик ва жисмоний шахсларга Давлат реестри маълумотларидан эркин фойдаланиш имкониятини бериш;

учинчи – юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш учун уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ваколатли органлар ўртасида ахборот-коммуникация маълумотлар алмашинувини жорий этиш;

тўртинчи – қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

бешинчи – кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг Давлат реестридан электрон кўчирма бериш;

олтинчи – низоларни судгача ҳал қилиш механизминини жорий этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри (кейинги ўринларда Давлат реестри деб аталади) юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлари ҳақидаги ахборотнинг расмий манбаси бўлиб, бу ахборотнинг ишончлилиги давлат томонидан кафолатланади;

Давлат реестридан электрон шаклда берилган, шунингдек, қоғозда берилган кўчирмалар тенг юридик қучга эга.

3. Белгилансинки, 2018 йил 1 июлдан кейин тadbиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида ўтказилган электрон аукцион натижалари ҳақидаги баённома асосида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари қошида комиссиялар (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) ташкил этиш йўли билан қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда юзага келадиган низоларни судгача ҳал қилишнинг мустақил механизми жорий этилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда юзага келадиган низолар комиссия томонидан мурожаат келиб тушган кундан эътиборан ўн кун мобайнида кўриб чиқилади;

қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этган шахслар комиссия аъзолари бўла олмайдилар;

комиссиянинг хулосаси қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этган шахслар учун мажбурий тусга эга бўлиб, улар қабул қилган қарорни ўзгартириш учун асос бўлади.

5. Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига бино ва иншоотларни сотишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўланганлиги ҳақида, ахборот-коммуникация тизими орқали ахборот тақдим этилишини таъминласин.

6. Давлат кадастрларини юритишни амалга оширувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига муҳофаза қилинадиган зоналар ҳақидаги ахборотни доимий равишда тақдим этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

а) бир ой муддатда:

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда идоралараро ҳамкорлик ва қўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши, шунингдек улар билан боғлиқ битимлар ҳақидаги ахборот алмашинувининг ахборот-дастурий комплексини ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 февралдан бошлаб жорий этсин;

Давлат реестри маълумотларини Интернет тармоғига жойлаштириш йўли билан улардан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминласин;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар реестрини ҳар бир рўйхатдан ўтказиш тури ва типи кесимида ишлаб чиқсин ва Интернет тармоғига жойлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда кўчмас мулк объектларини бошқа шахсга ўтказиш турига боғлиқ ҳолда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида намунавий аризалар шакллари ишлаб чиқсин ва Интернет тармоғига жойлаштирсин;

Интернет тармоғидаги ўз расмий веб-сайтига кўчмас мулк объектларига бўлган рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлар статистикасининг жойлаштирилиши ва доимий янгиланиб борилишини таъминласин;

б) икки ой муддатда:

Комиссия томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда кўчмас мулк объекти бўйича тақиқларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги кўрсатилган ҳолда Давлат реестридан кўчирмалар берилишини назарда тутувчи дастурий маҳсулот ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

в) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ахборот тизимларида фуқароларнинг мавжуд шахсий маълумотлари ҳақидаги ахборотни долзарблаштириш учун жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасидан фойдаланишини ва “Электрон ҳукумат” тизими билан янада интеграцияланишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларн ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилнш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг раиси А.Х.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 29 декабрдаги
1060- сон қарорига
1-илова

**Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида
Низом**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлган ер қабрига жорий этилмайди.

3. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

4. Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқи ушбу ҳуқуқлар мазкур Низомга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилган кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

5. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тунгунчалардан фойдаланилади:

вақтинчалик иморат – қурилиш даврида вақтинчалик фойдаланиш учун бунёд этилган ва лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилмаган иморат;

кўчмас мулк объектларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш – юридик ва жисмоний шахсларнинг, жумладан битимлар асосида юзага келадиган кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланишини (юкланишини), бекор бўлишини тан оладиган ҳамда тасдиқлайдиган ҳуқуқий ҳужжат;

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) – кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисида, шунингдек, ҳуқуқ эгалари ҳақидаги маълумотлардан иборат ягона ахборот маълумотлар базаси;

гаров хати - кўчмас мулк объекти гаровга қўйилганлиги тўғрисида юридик ёки жисмоний шахсга банк томонидан бериладиган қарз гувоҳномаси;

бино – функционал мақсадига қараб одамлар яшаш ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажми ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

ер участкаси – ер юзасининг кайд этилган чегарага, майдонга, жойлашини маъноси, ҳуқуқий режимга ҳамда бошқа хусусиятларга эга бўлган қисми;

ипотека – мулкни гаров кредиторига эгалик қилиш учун топширмасдан, мажбуриятни таъминлаш шарти билан кўчмас мулк объектини (ер участкасини, бино ва иншоотни) ёки унга бўлган ҳуқуқни гаровга қўйиш;

кадастр йиғмажилди – объектнинг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган кадастр суратига олиш, техник хатловдан ўтказиш ва паспортлаштириш, махсус текшириш ва тадқиқотларнинг, сифат ва қиймат жиҳатдан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотлари жамланмаси;

кадастр рақами – ер участкаси, бино, иншоот ва кўп йиллик дарахтларнинг ўзига хос, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган алоҳида рақами ҳисобланади ва ушбу рақам кўчмас мулкни шакллантиришда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ берилади ва рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона объекти сифатида мавжуд бўлиши даврида сақлаб қолинади;

кадастр паспорти – ҳуқуқ эгасига бериладиган, кўчмас мулк объекти, унинг ҳуқуқий эгаси, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқлар, объектнинг қиймат баҳоси ва кадастр рақами ҳақида умумий маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат;

кўп йиллик экинлар – боғлар, токзорлар, тутзорлар ва бошқа ўрмон дарахтлари;

кўчмас мулк объектлари – ер участкалари, бинолар ва иншоотлар (шу жумладан ер ости иншоотлари) ва кўп йиллик экинлар;

қурилиши тугалланмаган объектлар – қурилиши белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бошланган, лекин белгиланган кунда тугалланмаган ёки қурилиши тугалланган, аммо қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси асосида фойдаланишга қабул қилинмаган бино ва иншоотлар;

кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши (юкланиши) – битимлар, қонун ҳужжатлари ёки ваколатли орган томонидан ўрнатиладиган, мазкур кўчмас мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш имконини чеклайдиган шартлар;

ёрдамчи-хўжалик иморатлари – ишлаб чиқариш бинolari ва иншоотларига нисбатан қўшимча иморатлар (омборхоналар, бостирмалар, йўлаклар ва шу кабилар), уй хайвонлари ва паррандаларини боқиш учун мўлжалланган иморатлар, омборхона, гаражлар, ёзги ошхоналар, тандирхоналар, ертўлалар, ҳаммомлар, ховлидаги хожатхоналар, душхоналар, иссиқхоналар, ховузлар, сауналар, қозонхоналар ва одамларнинг вақтинча туриши билан боғлиқ турли ишларни бажариш учун мўлжалланган бошқа функционал иморатлар;

ҳуқуқ эгаси – кўчмас мулк объектнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши асосида унга бўлган ҳуқуққа эга юридик ва жисмоний шахс;

кўчмас мулк ҳақида тузилган битимлар – фуқаро ва юридик шахсларнинг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ўрнатишга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга (бошқа шахсга ўтказиш, ипотекага қўйиш, узоқ муддатли ижарага олиш, меросни қабул қилиш ва бошқалар) қаратилган хатти-ҳаракатлари;

сервитут – бегона ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи;

иншоот – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат, ер тепасида, ер юзасида ва ер остида ҳажмли, ясси ёки чизик тарзида жойлашган қурилиш тизими.

6. Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиаллари (кейинги ўринларда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган деб аталади) давлат рўйхатидан ўтказилади.

Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг раҳбари томонидан тайинланадиган масъул шахслар (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи деб аталади) томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

7. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ ҳамда кўчмас мулк объектига бўлган бошқа ашёвий ҳуқуқлар, шу жумладан ушбу ҳуқуқлар ва улар билан боғлиқ битимларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши ҳақидаги ахборот 2019 йил 1 февралдан бошлаб, ахборот-коммуникация тизимлари воситасида давлат рўйхатидан ўтказувчи органга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат нотариал идоралари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек бошқа ваколатли органлар томонидан тегишли ҳаракатлар содир этилган кундан бошлаб бир кун муддатда тақдим этилади.

Бунда кўчмас мулк объектлари бўйича кадастр ҳужжатлари архивини шакллантириш мақсадида ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган органлар кўчмас мулк объектларига нисбатан қарор қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини юборади.

8. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун 2019 йил 1 февралдан кейин вужудга келадиган асослар мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган органлар томонидан ахборот-дастурий мажмуа воситасида бериладиган ахборот асосида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган органлар ахборот-дастурий мажмуага киритилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

9. Кадастр йигмажилдини бирламчи шакллантиришда кўчмас мулк объектлари давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан жойга чиқиб хатловдан ўтказилади. Кадастр йигмажилдини шакллантириш натижалари бўйича кадастр паспорти берилади.

Кадастр паспортини бериш тартиби ва шакли Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси томонидан белгиланади.

10. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ тури ёки эгаси ўзгарганда, кадастр йиғмажилди фақат кўчмас мулк объекти мулкдорининг сўровига кўра шакллантирилади.

2-боб. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

11. Кўчмас мулк объекти мулкдорлари ёхуд ушбу объект бўйича ашёвий ҳуқуқлар эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ваколатли вакиллари кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, чекланган ёки бекор бўлган ёки кўчмас мулк объектининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарган кундан бошлаб бир ой муддатда давлат рўйхатидан ўтказувчи органга мазкур Низомнинг 21, 22, 23, 30, 31, 38, 39, 40, 41, 42, 43-бандларида кўрсатилган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида ариза билан кўчмас мулк жойлашган жойдаги Давлат хизматлари марказларига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ёки Интерактив давлат хизматлари ягона портали воситасида, гаров хати расмийлаштирилганда эса – кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга мурожаат қилишлари шарт.

Аризада кўчмас мулк объектининг тури, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳуқуқ, унга кадастр йиғмажилди тайёрланган ёки қайта расмийлаштирилган кўчмас мулк объектининг номи ва у тайёрланган сана (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

12. Марказ ариза тўлдирилгандан кейин бир соат мобайнида уни кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширадиган органга юборади.

13. Рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда:

аризани ва ушбу кўчмас мулк объектига кадастр ҳужжатларини ўрганади, уларни Реестрда мавжуд ахборот билан таққослайди;

кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқлар ҳамда кўчмас мулк объектига бўлган бошқа ашёвий ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос мавжудлигини, унинг юридик ёки жисмоний шахсга ўтказилишининг қонунийлигини аниқлайди;

умумий улушли мулк ҳуқуқи иштирокчиларининг сонини ва тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг улушларини аниқлайди;

ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши учун тўсқинлик қиладиган омилларни, бу кўчмас мулк объекти ҳуқуқнинг бошқа шахсларга ўтказилиши учун тўсқинлик қилувчи гаровга қўйилганлиги ва ҳуқуқни чеклаш борлигини аниқлайди;

бошқа шахслардан айнан шу кўчмас мулк объекти бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза бор ёки йўқлигини Реестрдан аниқлайди.

14. Рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳужжатлар келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни давомида давлат рўйхатидан ўтказди.

Агар, тақдим этилган ҳужжатларда техник тусдаги аҳамиятсиз камчиликлар ва уларни бартараф этиш имконияти бор бўлса ёки қўшимча ҳужжатлар талаб қилинса, рўйхатдан ўтказувчи рўйхатдан ўтказишни уч кунгача тўхтатиб туриш тўғрисида бир кун мобайнида қарор қабул қилади ва қарорни Марказга юборади.

Марказ давлат рўйхатидан ўтказувчи органдан кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олгандан кейин юридик ёки жисмоний шахсни бир соат мобайнида кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни тақдим этиш ҳақида хабардор қилади.

Ҳужжатлар кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган ҳолда тақдим этилганда, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида амалга оширилади.

Тузатилган ҳужжатларни кўриб чиқишда ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги ҳақида хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилмайди, ваколатли органлар томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов қўйилган ҳолатлар бундан мустасно.

Агар, хабарномада кўрсатилган камчиликлар хабар берилган пайтдан бошлаб уч иш куни мобайнида бартараф этилмаган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган икки иш куни мобайнида кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда марказни ёзма равишда хабардор қилади.

15. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу кўчмас мулк объектининг мансублиги масаласида низолар борлигидан далолат берувчи суд ҳужжатларининг мавжудлиги;

ваколатли орган томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов қўйилганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри, қарама-қарши ёки бузилган маълумотлар топилиши;

кадастр йиғмажилдининг йўқлиги;

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

рўйхатдан ўтказувчи томонидан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилган ҳолларда, тақдим этилган материаллардаги камчиликларнинг уч иш куни мобайнида бартараф этилмаслиги;

ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинганлиги;

ҳуқуқларнинг вужудга келишини белгиламайдиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни бошқа асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, ариза иловалари билан бирга у келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида давлат рўйхатидан ўтказувчи орган раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон хат кўринишда Марказга, юридик ёки жисмоний шахсга қайтариш учун юборилади. Хатда ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишнинг аниқ сабаблари ва тақдим этилган ҳужжатларда топилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар кўрсатилади.

17. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар Реестрга тегишли ёзувни киритиш йўли билан давлат рўйхатидан ўтказилади, у мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича электрон кўринишда юритилади.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келишини ва бошқа шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахснинг номини, жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини ва кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги бошқа маълумотларни Реестрга навбатдаги рақам билан киритиш орқали амалга оширилади. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши ва бекор қилиниши унга бўлган ҳуқуқларни чеклаш ёки бекор қилиш ҳақидаги ёзув орқали амалга оширилади ва бунинг учун асос бўлган ҳужжатнинг номи, санаси ва рақами кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган Реестр сатрига киритилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг (у мавжуд бўлган тақдирда) вужудга келиши ва бошқа шахсга ўтиши биринчи навбатда рўйхатдан ўтказилади. Ушбу ер участкасида қурилган ёки барпо этилган бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бошқа шахсга ўтишининг кейинги рўйхатдан ўтказилиши бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтлар тўғрисидаги маълумотларни ер участкасига ҳуқуқ рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган сатрга киритиш йўли билан амалга оширилади.

18. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг давлат рўйхатидан ўтказувчи орган мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда тегишли ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи электрон кўринишдаги Реестрдан кўчирмани тайёрлайди ва уни марказга юборади.

Марказ давлат рўйхатидан ўтказувчи органдан Реестрдан кўчирмани олгандан сўнг бир соат ичида уни юридик ёки жисмоний шахсга электрон шаклда юборади. Юридик ёки жисмоний шахснинг хоҳишига кўра, кўчирма қозғош шаклида берилиши мумкин ва ариза берувчи кўрсатган манзилга юборилади.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича давлат рўйхатидан ўтказилади.

19. Нотўғри ёки бузилган маълумотларни тақдим этганлик учун юридик ва жисмоний шахслар конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

3-боб. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш хусусиятлари

20. Ер участкаларига бўлган қуйидаги ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси фуқаросига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, дсҳқон хўжалиги, жамоа боғдорчилиги ва узумчилик жўжалигини юритиш учун, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;

юримдик ва жисмоний шахсга қишлоқ ва ўрмон хўжалигини (қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) юритиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар учун берилган ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи;

юримдик ва жисмоний шахсга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланиш муддатлари кўрсатилмай берилган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

юримдик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишнинг муайян муддати белгилаб берилган ер участкаларидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи;

юримдик ва жисмоний шахс, шу жумладан хорижий юримдик ва жисмоний шахс томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштирилган ёки сотиб олинган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи;

юримдик ва жисмоний шахсга ижарага берилган ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқи.

21. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши қуйидаги ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади:

ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун – давлат ҳокимияти органларининг ер участкасини бериш тўғрисидаги, ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори ёки мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги нотариал идора томонидан берилган гувоҳнома ёхуд бу ҳуқуқ аукцион асосида сотиб олиинганлиги тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокими томонидан берилган давлат ордери;

ер участкасига доимий эгалик қилиш, доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг муайян юримдик ва жисмоний шахсга ер участкаси бериш тўғрисидаги, ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори, «E-EURO AUCTION» ягона электрон савдо майдончасида ўтказилган электрон аукцион натижалари ҳақида баённома;

ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан берилган давлат ордери;

ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари асосида ваколатли органлар томонидан тузилган ер участкасининг ижара шартномаси.

22. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амал қилган даврда (1990—1998 йилларда) олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

шаҳарлар (туманлар) ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун шаҳарлар ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

шаҳарчалар ва қишлоқлар (овуллар) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг собиқ колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудида бўлмаган ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

қишлоқлар (овуллар) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қишлоқ жойларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари.

23. Ўзбекистон ССРнинг Ер кодекси амал қилган даврда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

тегишли туманлар, шаҳарлар ва шаҳарчалар халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталарининг якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

тегишли қишлоқлар (овуллар) халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталарининг колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомаларини ҳамда совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари директорларининг фуқароларга якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкалари бериш ҳақидаги буйруқларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ёки вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларининг (Қорақалпоғистон Республикасида - Жўқорги Кенгеснинг) қарорлари билан қишлоқ аҳоли пунктлари ёки уларнинг қисмлари шаҳарлар ва посёлкалар чегараларига киритилган ҳолларда жисмоний шахсларга деҳқон (шахсий томорқа) хўжалигини юритиш учун белгиланган тартибда илгари берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мазкур Низомнинг 21, 22 ва 23-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар асосида давлат ҳокимияти органларининг қарорларида кўрсатилган ўлчамларда рўйхатдан ўтказилади.

25. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ёки ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларсиз фойдаланилаётган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

26. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳуқуқ тури маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорига мувофиқ қабул қилинади.

Агар жойлардаги давлат ҳокимияти органининг қарорида ҳуқуқ тури кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда юридик ва жисмоний шахс учун қуйидаги ҳуқуқлар тан олинади ҳамда рўйхатдан ўтказилиши лозим:

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги ҳамда жамоа боғдорчилиги ва узумчилик хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи (агар, давлат ҳокимияти органларининг қарорларида бошқа ҳуқуқ тури кўрсатилган бўлса ҳам);

бинолар ва иншоотлар қуриш учун берилган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

кишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи.

27. Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказишда кўрсатилган объектлар билан эгалланган ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи янги ҳуқуқ эгасининг номига олдинги ҳуқуқ эгасидагидек шаклда расмийлаштирилади.

Турар жой биносига, боғ уйчасига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, жисмоний шахсларга ушбу иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи билан бирга белгиланган тартибда берилган ва унда ушбу иморатлар жойлашган бутун ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлар уйларни давлат нотариал идоралари томонидан тасдиқланган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента, умрбод таъминлаш шарти билан бошқа шахсга ўтказиш шартномалари ва бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади.

Юридик ва жисмоний шахс бошқа шахсга ўтказиладиган бино ва иншоотлар жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлган ҳолларда, янги ҳуқуқ эгаси номига бутун ер участкасига ёки унинг кўчмас мулк объекти эгаллаган ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмига бўлган мулк ҳуқуқи, агар бошқа шахсга ўтказиш шартномаси билан бошқаси назарда тутилмаган бўлса, қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Ер участкасида жойлашган барча бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши муносабати билан ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг ўтиши:

олди-сотди ва бошқа шахсга ўтишнинг бошқа турларига оид шартнома;

мулкдорларнинг ёки улар томонидан ваколатланган шахсларнинг қарорлари;

суд қарори ёхуд давлат ижрочисининг қарори;

қарз ундирувчи ҳамда қарздор ўртасида бино ва иншоотларни топшириш тўғрисидаги давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган далолатнома;

бино ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ундан бошқага ўтадиган шахснинг ер участкасига оид ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Айрим бинолар ва иншоотларга ёки уларнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши муносабати билан вужудга келган ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тузилган, туман (шаҳар) қурилиш бўлими ва ҳуқуқ эгаси билан келишилган ер участкасини бўлиш ҳамда унинг янги чегараларини белгилаш ҳақидаги далолатнома асосида рўйхатдан ўтказилади. Низо мавжуд бўлган тақдирда бўлиш давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилиб, туман (шаҳар) ҳокими қарори билан тасдиқланади ва кейинчалик ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилади ва Реестрдан тегишли кўчирма берилади.

Бунда ер участкасига бўлган ҳуқуқ янги ҳуқуқ эгасига иморат ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг олдинги эгасида бўлган шаклда ўтади.

Бўлинган ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиш ва шаҳарсозлик фаолиятини қондаларига риоя этилиши учун жавобгарлик ҳуқуқ эгаларига юклатилади.

28. Ер участкасининг умумий майдони ва чегаралари, унга бўлган илгари рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ тури ўзгарган тақдирда, ахборот-дастурий комплекс орқали ахборот берадиган органлар давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида маълумотларни юборади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш жараёнида қуйидаги ишлар бажарилади:

ахборот берган орган томонидан юборилган ҳужжатлар текширилади;

ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органда сақланадиган мавжуд режа-картографик материаллардан фойдаланиб, ер участкасининг янги кадастр режаси чизилади;

Реестрга, шунингдек, кадастр йиғмажилдига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ишлар натижаларига кўра, юридик ва жисмоний шахсга Реестрдан кўчирма берилади.

29. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланган чекловлар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни чеклаш мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини гаровга қўйишда, ер участкасига ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши Реестрга ҳуқуқларнинг чекланиши ҳақидаги ҳужжатнинг номини ҳамда унинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш орқали давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга (ипотекага) қўйишда чекловлар мазкур Низомнинг 6-бобида тугилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

30. Ер участкасига бўлган сервитут давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш сервитут белгиланишидан манфаатдор юридик ёки жисмоний шахснинг аризаси асосида, сервитут белгиланишидан манфаатдор юридик ёки жисмоний шахс ва ерларида сервитут белгиланадиган юридик ёки жисмоний шахс ўртасида тузилган ёзма келишув асосида ёки суд қарори бўйича амалга оширилади.

Сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш Реестрга сервитут белгиланиши ҳақидаги ҳужжатнинг номини ҳамда унинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш ва Реестрдан кўчирма бериш орқали амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтган тақдирда сервитут сақланиб қолинади ва белгилаш учун асослар бекор бўлган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

31. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда бекор қилиниши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат ҳокимияти органларининг ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ёки ер қонунчилигининг бузилиши муносабати билан олиб қўйилиши ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни унда жойлашган бино ва иншоотлар бошқа шахсга ўтиши муносабати билан қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарори;

ваколатли органнинг юридик шахс Корхоналар ва ташкилотлар ягона реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги ахбороти;

уй-жойларининг бошқа шахсга ўтганлиги муносабати билан ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ҳам ўзга шахсга ўтиши бўйича ҳужжатлар;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши Реестрга ҳуқуқнинг бекор қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг номини ҳамда унинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши муносабати билан юридик ва жисмоний шахслар ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида илгарн берилган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга қайтаришга мажбур ва ушбу ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Ушбу банд мулк ҳуқуқида бўлган ер участкаларига татбиқ этилмайди.

**4-боб. Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни
давлат рўйхатидан ўтказиш хусусиятлари**

32. Ер юзида, ер тепасида ва ер остида жойлашган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзга шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Шунингдек бино ва иншоот ёки уларнинг қисмлари ижараси ҳуқуқи ҳам бир йилдан ортиқ муддатга тузилган шартнома асосида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Ер остида жойлашган иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг тавсифи ушбу иншоотларнинг қурилиш лойиҳаси маълумотлари бўйича қабул қилинади.

33. Муайян юридик ёки жисмоний шахснинг алоҳида ер участкасида жойлашган, алоҳида кадастр рақамига эга бўлган бино ва иншоотларга, жумладан улар ёнидаги қўшимча хўжалик иморатларига бўлган ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиш объекти ҳисобланади.

Турли қўшимча хўжалик иморатларига бўлган ҳуқуқлар асосий бино ёки иншоотдан алоҳида давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

34. Кўп квартирали уйлардаги квартираларга ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳар бир мулкдор бўйича алоҳида амалга оширилади.

Уй-жой-қурилиш ширкатларига тегишли уй-жойларга бўлган ҳуқуқлар тегишли ширкат номига, ушбу ширкат аъзолари рўйхати илова қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказилади.

35. Қурилиши тугалланган ва фойдаланишга белгиланган тартибда қабул қилинган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилади.

Қурилиши тугалланмаган нотуражой бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар тегишли лойиҳа ташкилоти томонидан уларнинг қурилиши бошланганлиги тасдиқланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин.

Қурилиши тугалланмаган нотуражой бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар:

ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги;

қурилиш конун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган лойиҳа асосида бошланганлиги шарти билан давлат рўйхатидан ўтказилади.

«E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида сотиб олинган, электрон аукцион ғолибларида уларга нисбатан қабул қилинган мажбуриятлар мавжуд бўлган ер участкаларида жойлашган қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

36. Қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказишда ҳуқуқ эгасининг буюртмаси бўйича ер участкасини бериш тўғрисидаги ҳужжатлар, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар асосида кадастр йиғмажилди тайёрланади, шунингдек, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилади.

37. Ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, қурилиш даврида фойдаланиш учун қурилган вақтинчалик иморатларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди, қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

38. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бинолар ва иншоотлар юридик шахсларнинг устав фондига киритилган тақдирда, ушбу бино ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи юридик шахслар номига рўйхатдан ўтказилади.

Корхонага бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ордер асосида мазкур хусусийлаштирилган корхонанинг қуйидаги кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи (қонунга мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) давлат рўйхатидан ўтказилади:

хусусийлаштирилган корхоналардаги давлат мулкни хусусийлаштиришда аниқланмаган кўчмас мулк;

хусусийлаштиришда тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланишга берилган, корхона ҳудудида жойлашган кўчмас мулк.

39. Бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқининг вужудга келишини ва бошқа шахсга ўтишини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;

нотариал тартибда тасдиқланган бино, иншоотнинг олди-сотди шартномаси;

2019 йил 1 январгача тузилган бино ва иншоот бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан бирга олди-сотди шартномаси;

корхонанинг топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан бирга нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

нотариал тартибда тасдиқланган лизинг шартномаси;

бино, иншоот, турар жойни ҳадя этиш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

бино, иншоот, турар жойни айирбошлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

турар жойни бошқа шахсга рента тўлови шarti билан ўтказилиши назарда тутилдиган нотариал тартибда тасдиқланган рента шартномаси;

хусусийлаштирилган давлат биноси, иншооти, турар жойини тасарруф этиш ҳуқуқи билан мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери;

нотариал тартибда тасдиқланган мерос қилиб олиш ҳуқуқи ва эр-хотинларнинг умумий мулки бўлган бино, иншоотнинг тегишли қисмига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома;

нотариал тартибда тасдиқланган кўчмас мулк объектини юридик шахсларнинг устав жамғармасига улуш сифатида бериш шартномаси;

кўчмас мулк объектини муассисга унинг улушини қайтариб бериш сифатида нотариал тартибда тасдиқланган шартномаси;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда кўчмас мулк объектини реализация қилиш бўйича аукцион натижалари ҳақида баённома;

туман (шаҳар) ҳокимининг тураржойни нотураржой тоифасига ўтказишга рухсати;

туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг нотурар жой биносини тураржой тоифасига ўтказишга рухсати;

суд қарори ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган бино ва иншоотни бериш далолатномаси.

Хорижий юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлган бинолар ва иншоотлар сотилган тақдирда бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш бинолар ва иншоотларни сотишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилган тақдирда амалга оширилади, бинолар ва иншоотлар Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсга сотилган ҳоллар бундан мустасно.

Бинолар ва иншоотларни сотишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги ахборот солиқ органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ахборот-коммуникация тизими орқали бир кунлик муддатда тақдим этилади.

40. Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатлари амал қилган даврда бунёд этилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

давлат ҳокимияти органларининг капитал қурилиш ва кейинчалик фойдаланиш учун ер участкаларини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги қарорлари;

ваколатли органларнинг бинолар ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлари, қарорлари, фармойишлари;

олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, мулкни бўлиш, кўчмас мулкни умрбод таъминлаш шарти билан бошқага ўтказиш, иморат солиш, шахсий мулк ҳуқуқида уйларни қуриш учун ер участкалари бериш, яқка тартибдаги иморат солувчилар уй-жой-қурилиши жамоаларига уйларни қуриш учун ер участкалари бериш, эрхотин ўртасида уйларни бўлиш тўғрисида нотариал тасдиқланган шартномалар;

шаҳар ва туман Халқ депутатлари кенгашлари ижроия қўмиталарининг иморатларга бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш (мавжуд ҳужжатлар асосида) тўғрисидаги қарорлари;

умумий мулк бўлган иморатнинг тегишли улушига бўлган мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги ва мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда уй қимосиди савдосида харид қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар;

бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи қонуний қучга кирган суд қарорлари ва ажримлари;

шартномаларнинг дубликатлари, нусхалари ёки олди-сотди, айирбошлаш, ҳада, рента, умрбод таъминлаш шарти билан бошқага ўтказиш битимлари амалга оширилганлиги, шунингдек, мерос қилиб олиш тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқага ўтганлигини белгиловчи бошқа нотариал ҳужжатлар берилганлиги ҳақидаги давлат нотариал идораларнинг реестрларидан қўчирмалар.

41. Бинолар ва иншоотларга бўлган хўжалик юритиш ҳуқуқини ва оператив бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

ваколатли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг давлат ташкилотларини ташкил этиш ва уларга қўчмас мулкни хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқида бериш ҳақидаги қарорлари;

ваколатли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бинолар ва иншоотларни муайян давлат корхоналари ҳамда муассасаларига бериш тўғрисидаги қарорлари;

муассисларнинг бинолар ва иншоотларни улар томонидан ташкил этиладиган муассасаларга бериш тўғрисидаги қарорлари.

Моддий-маданий мерос объектларига бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

42. Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг чекланишини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

бинолар ва иншоотлар хатлаб қўйилгани тўғрисидаги хабарнома;

бинолар ва иншоотларнинг бошқа шахсга ўтказилишини тақиқлаш тўғрисидаги хабарнома;

бинолар ва иншоотлар ипотекаси тўғрисидаги шартнома.

Ҳуқуқларнинг чекланиши бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади.

43. Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг бекор қилинишини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

юримдик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органларнинг юримдик шахс Корхоналар ва ташкилотлар ягона реестридан чиқарилгани ҳақидаги маълумотлари;

тегишли жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини уларда жойлашган бинолар ва иншоотлар билан бирга жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва бериш тўғрисидаги қарорлари;

бино ва иншоотларни, турар жойларни олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, турар жойни рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга ўтиши назарда тутилган, нотариал тасдиқланган шартномалар;

мулкдор ёки бошқа ваколатли органларнинг бинолар ва иншоотларга бўлган ҳўжалик юритиш ҳукуқини ҳамда оператив бошқариш ҳукуқини бекор қилиш тўғрисидаги қарори;

мулкдорнинг бино ва иншоотни бузиб ташлаш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги қарори;

бино ва иншоотнинг табиий офатлар натижасида барҳам топганини тасдиқловчи ҳужжатлар;

суд қарори ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд ундирувчи ва қарздор ўртасида бино ва иншоотни бериш тўғрисида давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган далолатнома.

Ҳукуқнинг бекор бўлиши бинолар ва иншоотларга бўлган ҳукуқларнинг бекор бўлгани тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади.

44. Ушбу Низомнинг 38-41-бандларида кўрсатилган мулк ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ёки тўғрилиги ҳақида шубҳа туғилган ҳолларда бино, иншоотга бўлган мулк ҳукуқи ёки бошқа ашёвий ҳукуқ масаласи суд тартибида ҳал этилади.

45. Бир нечта юридик ва жисмоний шахсларга умумий улушли мулк ҳукуқида тегишли бўлган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳукуқлар мулкдорлар номига ҳукуқ белгиловчи ҳужжатларда кўрсатилган улушларда рўйхатдан ўтказилади.

Агар, улушли мулк ҳукуқи иштирокчилари ўзаро келишув бўйича умумий бино ва иншоотнинг (хоналардан, квартиралардан ва ҳ.к.) алоҳида қисмларидан (хоналардан), ўзларининг улушларига мувофиқ равишда фойдаланиш тартибини белгилаган бўлсалар ва бу келишув нотариал тасдиқланган бўлса, у ҳолда бундай келишув уларнинг мурожаати бўйича рўйхатдан ўтказилиши лозим.

46. Ҳукуқ белгиловчи ҳужжатлар суд томонидан бедарак йўқолган ёки ўлган деб топилган мулкдорларнинг оила аъзолари ёки меросхўрлари томонидан тақдим этилган ҳолларда, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳукуқлар уларга бўлган мулк ҳукуқи тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ мерос қилиб олиш тартибида рўйхатдан ўтказилади.

47. Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳукуқини ва бошқа ашёвий ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш Реестрга ушбу объектларга бўлган муайян юридик ва жисмоний шахснинг тегишли ҳукуқлари тўғрисида ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

5-боб. Кўп йиллик экинларга бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш хусусиятлари

48. Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўп йиллик экинларга бўлган мулк ҳукуқи давлат рўйхатидан ўтказилади.

49. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликлари узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларида ижарага берувчининг рухсати билан ўз маблағлари ҳисобига уларнинг мулки бўлган кўп йиллик дарахтларни, ўрмон дарахтларини ҳам экиш ҳуқуқига эгадирлар ва улар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

50. Ижарачи агар шартномада ерларни боғдорчилик, узумчилик, тутчилик ёки кўп йиллик дарахтлар экиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш назарда тутилган бўлса, мустақил равишда кўп йиллик дарахтлар экиш ҳуқуқига эга.

Агар ижарага олинган ер участкасида ижарага берувчининг рухсати билан кўп йиллик дарахтлар экилган бўлса, унда шартнома муддати ўтиши ёки уни муддатидан олдин бекор қилинганда ижарачи ушбу мақсад учун амалга оширилган харажатларни қоплашни талаб қилиш (шартномада бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса) ҳуқуқига эга.

Ижарага олинган ер участкасида ижарага берувчининг рухсатисиз экилган кўп йиллик дарахтлар шартноманинг муддати ўтганда ёки у бекор қилинганда ижарага берувчига бепул ўтади.

51. Қуйидаги кўп йиллик дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмайди:

кўчатзорлардаги кўчатлар;

юридик шахсларнинг балансига олинмаган ҳамда ҳосилга кирмаган ва фойдаланишга қабул қилинмаган кўп йиллик дарахтлар;

кўп йиллик бутазорлар ва резавор ўсимликлар;

ўрмон хўжаликлари ва бошқа ўрмон хўжалиги давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ўрмонлари ва кўп йиллик дарахтлари;

илмий-тадқиқот ташкилотларининг кўп йиллик дарахтлари;

аҳоли пунктлари, шунингдек ташкилотларнинг ерларини кўкаламзорлаштириш мақсадида ўстирилган кўп йиллик дарахтлар;

узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларида ижарага берувчининг рухсатисиз ўстирилган кўп йиллик дарахтлар.

52. Қуйидагилар:

қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) боғ ва токзорларини фуқароларга фермер хўжалиги ташкил этиш учун аукцион асосида сотиш тўғрисидаги комиссия баённомаси ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ва ижарачи ўртасида тузилган шартнома;

боғдорчиликка, узумчиликка, тутчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими ва ижарачи ўртасида тузилган шартнома;

боғдорчиликка, узумчиликка, тутчиликка ихтисослашмаган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими ва ижарачи ўртасида тузилган ва кўп йиллик экинлар экишга рухсат берилган шартнома;

ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномага кўп йиллик дарахтлар ўтказиш ҳуқуқини бериш тўғрисида тузилган кўшимча битим;

сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ёзма равишда тузилган кўп йиллик экинларнинг олди-сотди шартномаси ва туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасини кўп йиллик дарахтларни сотиб олувчига қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарори;

тегишли давлат органининг боғдорчиликка, узумчиликка ва тутчиликка ихтисослашган ҳамда кўп йиллик экинлар экиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни юритиш учун ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорлари;

суд қарори ёки давлат ижрочиси қарори ёхуд давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган кўп йиллик экинларни бериш далолатномаси кўп йиллик экинларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Якка тартибда уй-жой куриш, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалигини юритиш ва жамоат боғдорчилиги ва узумчилик хўжалигини юритиш учун берилган ер участкаларида ўстирилган кўп йиллик экинларга бўлган мулк ҳуқуқи жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ушбу мақсадлар учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорларига асосан давлат рўйхатидан ўтказилади.

53. Кўп йиллик экинларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш Реестрга кўчмас мулкнинг мустақил тури сифатида экинларнинг тури ва сонини кўрсатган ҳолда киритиш йўли билан амалга оширилади.

6-боб. Ипотека, бино ва иншоотлар, шунингдек, ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

54. Ипотека тўғрисидаги шартнома (шу жумладан, навбатдагилари ҳам) нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ипотека тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради.

Ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Реестрга тегишли ёзувни киритиш йўли билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ипотека тўғрисидаги шартнома ипотекани шартнома асосидаги давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Қонун асосидаги ипотекани вужудга келтирадиган кредит шартномаси ёки қарз шартномаси қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади. Қонун асосидаги ипотека алоҳида ариза бермасдан ҳамда рўйхатга олиш учун йиғим тўламасдан давлат рўйхатидан ўтказилади.

55. Ипотека тўғрисидаги шартнома асосида вужудга келадиган ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал идоралар томонидан давлат рўйхатидан ўтказувчи органга электрон шаклда тузилган ипотека шартномаси ҳақида ахборот тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ипотека тўғрисидаги шартномани юридик ва жисмоний шахслар аризалари асосида рўйхатга олади.

56. Ипотека тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш ариза давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан Реестрга ипотека шартномасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида ёзув амалга оширилган сана ипотека тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатига олинган кун ҳисобланади.

57. Агар, ипотека тўғрисидаги шартномада ипотекага олувчининг ҳуқуқлари гаров хати билан тасдиқланиши назарда тутилган бўлса, бу тўғрида Реестрда кўрсатилган бўлиши керак. Бунда Реестрга «Гаров хати берилган» сўзлари киритилади ва давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан гаров хатини дастлабки ипотекага олувчига бериш санаси кўрсатилади.

58. Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишнинг амалга оширилганлигини тасдиқлаш мақсадида ариза берувчига Реестрдан кўчирма берилади.

59. Ипотека билан таъминланган мажбурият мазмунини навбатдаги ипотека билан ўзгартирилганда, шунингдек ипотека предметига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар бу мулкнинг ҳақ эвазига ёхуд ҳақ олмасдан тасарруфдан чиқарилиши натижасида ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ипотекага қўювчидан бошқа шахсга ўтказилганида ипотека қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилади. Мазкур талабнинг бажарилмаслиги ипотека билан таъминланган мажбуриятда амалга оширилган ўзгаришлар ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

60. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ипотекани қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказишда қуйидагиларни амалга оширади:

Реестрга шартнома, ипотека тўғрисида ёзувлар ипотека шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва тартиб рақами, қўчмас мулк объектига нисбатан янги эгалик қилувчининг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжат (олдидотди, ҳадя шартномалари, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ва ҳ. к.) реквизитларини киритади;

Реестрнинг тегишли устунларида дастлабки ипотекага қўювчининг ҳуқуқларини чеклаш (уларга шартлар белгилаш) тўғрисидаги аввалги ёзувлар белгиланган тартибда, ипотека тўғрисидаги янги ёзув инобатга олинган ҳолда ўзгартирилади.

61. Ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчи томонидан нобуд бўлган ёки шикастланган қўчмас мулк объектини тиклаш ёки алмаштириш тўғрисида битим тузилганда Реестрига ушбу битим реквизитлари киритилади ва аввалги ёзувлар белгиланган тартибда бекор қилинади.

62. Қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қайси шахснинг ҳуқуқлари ипотека билан чекланган бўлса, шу шахснинг мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда амалга оширилади. Қонун асосидаги ипотека бўйича ипотекага олувчининг ҳуқуқлари гаров хати билан тасдиқланиши мумкин.

63. Қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишда Реестрнинг тегишли устунларига ёзувлар киритилади.

64. Агар битта кўчмас мулк объекти бир нечта ипотекага олувчиларда қонун асосидаги ипотекада бўлса, у ҳолда Реестрга ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.

65. Қонун асосидаги ипотеканинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқлаш мақсадида ариза берувчига Реестрдан кўчирма берилади.

66. Бир мажбурият бажарилишини таъминлаш учун ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган кўчмас мулк объекти (олдинги ипотека) шу ёки бошқа қарздорнинг бошқа мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун ўша ипотекага олувчининг ўзига ёхуд бошқа ипотекага олувчига гаровга берилиши мумкин (навбатдаги ипотека).

67. Кейинги ипотекага айни ушбу кўчмас мулк объектининг олдинги ипотекалари тўғрисидаги барча қайд ёзувлари ҳақида белги қўйилади.

Бунда ариза берувчига кейинги ипотекани кўрсатган ҳолда Реестрдан кўчирма берилади.

68. Навбатдаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш Реестрга мазкур кўчмас мулк объектининг олдинги ипотекалари тўғрисида ёзувлар бўлган тегишли устунларига «Навбатдаги ипотека» сўзларини киритиш орқали амалга оширилади.

69. Ипотекага олувчининг ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ва ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, гаров хати билан тасдиқланиши мумкин.

70. Ипотека давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин гаров хати давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан ипотекага қўювчи билан ипотекага олувчи иштирокида расмийлаштирилади ва дастлабки ипотекага олувчига берилади.

Гаров хатининг барча варақлари бир бутун ҳужжатни ташкил қилади, улар рақамланиши ва давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланиши лозим.

71. Гаров хати бекор қилинган ва шу билан бир вақтда янги гаров хати берилган тақдирда, ипотекага қўювчи давлат рўйхатидан ўтказувчи органга кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва бу ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ариза билан бирга янги гаров хатини беради, ушбу гаров хати ипотекага олувчига унинг қонуний эгалигида турган гаров хати ўрнига топширилади.

72. Гаров хатининг мазмуни ипотека тўғрисидаги шартномага ёки ипотека билан таъминланган шартномага мажбуриятга мувофиқ келмаса, амалдаги гаров хати ипотекага қўювчи томонидан бекор қилинади ва янги гаров хати тузилади, у расмийлаштириш учун давлат рўйхатидан ўтказувчи органга берилади.

73. Янги гаров хати ипотекага қўювчи томонидан киритиладиган маълумотлардан ташқари, янги гаров хати берилган санани ўз ичига олиши, унда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан гаров хати рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида белги қўйилиши ва муҳр билан тасдиқланиши лозим.

74. Бекор қилинган гаров хати биринчи варағининг олд томонига рўйхатдан ўтказиш ёзувини бекор қилиш ҳақида “Бекор қилинди” штампи босилади, унда бекор қилинган гаров хатининг бекор қилиш санасига мос келадиган сана, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган раҳбарининг фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ва имзоси кўрсатилади ва муҳр билан тасдиқланади.

Бекор қилинган гаров хати давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ипотека тўғрисидаги рўйхатдан ўтказиш ёзувини Реестрдан чиқариб ташлаш вақтигача сақланади.

75. Гаров хати йўқолган тақдирда ипотекага қўювчи томонидан гаров хатининг дубликати тузилади ва давлат рўйхатидан ўтказувчи органга гаров дубликатини расмийлаштириш учун топширилади, расмийлаштириш бир кун мобайнида амалга оширилади.

76. Гаров хатининг мазмуни ўзгарган тақдирда унинг эгаси янги гаров хатини рўйхатдан ўтказиш учун давлат рўйхатидан ўтказувчи органга мурожаат қилиши керак.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган гаров хати мазмунининг ўзгаргани тўғрисидаги битим давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги ёзувни Реестрга киритади.

77. Гаров хатининг мазмунини ўзгартириш тўғрисидаги битимнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани битимга ҳужжатлардаги рўйхатдан ўтказилганлик устхати штампи босиш йўли билан тасдиқланади, унда «Давлат рўйхатидан ўтказилди» сўзларидан олдин «Гаров хатининг мазмунини ўзгартириш тўғрисидаги битим» сўзлари кўрсатилади.

78. Гаров хатининг ажралмас қисми бўлган мазмунини ўзгартириш тўғрисидаги битимнинг асл нусхаси гаров хатига илова қилинади ва унга тикилади.

79. Гаров хатининг қонуний эгаси давлат рўйхатидан ўтказувчи органдан ўзининг ипотекага олувчи сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир.

80. Гаров хатининг қонуний эгаси бир иш куни мобайнида қуйидагилар асосида рўйхатдан ўтказилади:

гаров хати бўйича ҳуқуқни белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш ҳамда гаров хатига белги қўйиш асосида, агар бундай ёзувни киритган шахс гаров хатининг қонуний эгаси ёки ипотекага олувчи бўлса, гаровга ўтказишга доир махсус ёзув унинг номига ёзилган ва гаров хатини белгиланган тартибда сотган бўлса;

гаров хати бўйича ҳуқуқлар юридик шахс қайта ташкил этилганлиги натижасида ёки мерос тартибида бошқа шахсларга ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

гаров хати бўйича ҳуқуқлар ариза берувчига тегишли деб топилгани тўғрисидаги суд қарори асосида.

81. Гаров хатининг қонуний эгасини рўйхатдан ўтказиш Реестринг дастлабки ипотекага олувчи ёки гаров хатининг олдинги қонуний эгаси кўрсатилган устунига гаров хатининг янги қонуний эгаси тўғрисида ёзув киритиш орқали амалга оширилади. Реестрдаги олдинги ёзув белгиланган тартибда бекор қилинади.

82. Гаров хатининг эгасига Реестрга тегишли рўйхатдан ўтказиш ёзуви киритилганлигини тасдиқлаш мақсадида унинг аризаси асосида белгиланган тартибда Реестрдан кўчирма берилиши мумкин.

Бунда рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ чекловлари (шартлари) тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришда мазкур кўчирмага ипотека кўрсатилгандан сўнг «Гаров хатининг қонуний эгаси» сўзлари ва янги ипотекага олувчи (гаров хатининг янги қонуний эгаси) тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар киритилади.

83. Гаров хатининг гаровини Реестрга тегишли ёзувлар киритиш орқали рўйхатдан ўтказилади.

7-боб. Реестрдан кўчирмаларни тайёрлаш тартиби

84. Юридик ва жисмоний шахслар Реестрдан кўчирмаларни электрон шаклда Давлат хизматларининг ягона портали ёки Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси расмий сайтидан олишлари мумкин.

85. Битта ер участкасида жойлашган алоҳида бинолар ва иншоотлар ёхуд уларнинг бир қисми бошқа шахсларга ўтказилганда, нотариал идоралар сўрови бўйича Реестрдан кўчирма тайёрлашдан олдин икки иш кунни мобайнида жойга чиқиб бошқа шахсларга ўтказилаётган бинолар, иншоотлар ёки уларнинг бир қисми таркиби аниқланади, шундан сўнг мазкур бобда белгиланган тартибда Реестрдан тегишли кўчирма тайёрланади.

86. Юридик ва жисмоний шахсларда Реестрда рўйхатга олинган ҳуқуқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказилган кўчмас мулк объектининг йўқлиги ҳақида Реестрдан кўчирма берилади, бу кўчирма юридик ёки жисмоний шахсда кўчмас мулк объекти йўқлигининг тасдиғи (маълумотнома) бўлиб хизмат қилади.

87. Кўчирмада:

давлат ер кадастрида ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрида мавжуд кўчмас мулк объектининг техник параметрлари ҳақида;

кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ эгалари ҳақида;

Реестрда мавжуд рўйхатга олинган ҳуқуқлар ҳақида;

судлар, тергов органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов қўйилганлиги ҳақида, санани, қайси ҳужжат асосида ва қайси орган томонидан тақиқлар ёки хатлов қўйилганини, шунингдек, уларни рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақамни кўрсатган ҳолда;

ипотека ҳамда бинолар ва иншоотлар ипотекаси шартномасини, шунингдек ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида;

ер участкасига бўлган сервитутнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида;

бинолар ва иморатлар ёки уларнинг қисмлари ижараси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида;

жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори бўйича мўлжалланаётган бино, иншоотни бузиш ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

88. Ваколатли давлат органлари, ҳуқуқ эгалари ёхуд ҳуқуқ эгасининг ишончномаси асосида ҳаракат қилувчи шахслар мурожаатлари бўйича кўчмас мулк объектига ҳуқуқларни белгиловчи ва техник ҳужжатларнинг нусхалари берилиши мумкин.

8-боб. Яқунловчи қондалар

89. Юридик ва жисмоний шахслар кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг қарори юзасидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

90. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги низолар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари ҳузуридаги комиссиялар томонидан, ариза берувчи уларнинг хулосаларидан норози бўлган ҳолларда - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги комиссия томонидан;

судлар томонидан кўриб чиқилади.

91. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар давлат реестри

1.	Реестрнинг тартиб рақами:
2.	Юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми:
3.	Ер участкаси ҳақида маълумотлар:
3.1.	Ер участкасининг кадастр рақами:
3.2.	Майдони, га:
3.3.	Жойлашган жойи:
3.4.	Ҳуқуқ тури:
3.5.	Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар:
3.6.	Ер участкасидан фойдаланиш мақсади:
3.7.	Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни чеклаш:
3.8.	Сервитутлар:
3.9.	Кадастр баҳоси, 20__ й. ҳолатига минг сўм
3.10.	Рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақами:
4.	Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик экинлар ҳақида маълумотлар:
4.1.	Бинолар ва иншоотлар рўйхати, кўп йиллик экинлар турлари:
4.2.	Бино ва иншоотнинг кадастр рақами:
4.3.	Майдон, кв. м:
4.3.1.	Умумий:
4.3.2.	Ишлаб чиқариш, тураржой:
4.4.	Ҳуқуқ тури:
4.5.	Бино, иншоот ва кўп йиллик экинларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар:
4.6.	Бино ва иншоотдаги мулк улуши, қисм:
4.7.	Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар чекловлари:
4.8.	Кадастр қиймати, 20__ й. ҳолатига минг сўм
4.9.	Рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақами:
4.10.	Дарахтлар сони, дона:
5.	Ипотека ҳақида маълумотлар:
5.1.	Рўйхатдан ўтказиш предмети:
5.2.	Рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақами:
6.	Изоҳ:

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат
кадастри давлат қўмитаси**

Сана: «__» _____

№ _____

«__» _____ да келиб тушган «__» _____ ги буюртма асосида маълум қиламизки,
Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига қуйидагиларга бўлган
ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида ёзув киритилган:

1.	Кўчмас мулк объекти тури:	
	Кўчмас мулк объектининг номи	
	Кадастр рақами:	
	Жойлашган жойи:	
2.	Рўйхатдан ўтказилди:	
	Ҳуқуқ эгаси:	
	Ҳуқуқ тури, ҳуқуқдаги улуш:	
	Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси:	
	Реестрнинг тартиб рақами:	
	Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари:	
3.	Бошқа маълумотлар:	

Рўйхатдан ўтказувчи: _____

Давлат хизматлари маркази ходими: _____


Агар сизда кўчирманинг ҳақиқийлигини текшириш зарурати юзага келса, пастки чап
бурчакдаги QR-кодни сканерланг



Ушбу кўчирмадаги маълумотлардан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларига зарар етказадиган усуллар ва шаклда фойдаланиш Ўзбекистон
Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликни келтириб
чиқаради.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни
давлат рўйхатидан ўтказиш
Схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 29 декабрдаги
1060-сон қарорига
2 - илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 1-модда) 1-банди иккинчи хатбоши.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори)» 2014 йил 3 июндаги 138-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 56-модда) илованинг 22-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 71-модда) 2-бандининг биринчи-еттинчи хатбошилари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори)» 2014 йил 6 ноябрдаги 309-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 46-сон, 551-модда) илованинг 7-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 1-сон, 9-модда) илованинг 47-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 40-бандига қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 11 январдаги 6-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 2-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига кўчмас мулкка оид кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 21 сентябрдаги 317-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 9-сон, 86-модда) илованинг 2-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 20-модда) 4-илованинг 4-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон қарори)» 2017 йил 16 августдаги 639-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 178-модда) 1-илова 11-бандининг «б» кичик банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сон қарори)» 2017 йил 29 августдаги 679-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 189-модда) илованинг 22-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ-3430-сон қарори)» 2018 йил 22 январдаги 40-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 1-сон, 19-модда) илованинг 11-банди.